


ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ўзбек Тили Адабиёти

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



4
2006

БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ ҚИРРАЛАРИ

Бугунги ҳикоячилигимизга бадий психологизм – туйғулар реализми таҳлили нуқтаи назаридан қарайдиган ва ўрганадиган бўлсак, унда аввалги ўн йилликлардан фарқли ўлароқ, ҳаётни, инсонни туйғулар тарҳи, кечинмалар динамикаси орқали бадий тадқиқ этиш маданияти шаклланганлигини кузатиш мумкин. Аввалги ўн йилликларда социологик талқин ва ўшанга мос бадий идрок ва ифода етакчилик қилган бўлса, бугунга келиб инсонни фалсафий-психологик тушуниш ҳамда тушунтириш устувор тамойил бўлиб қолди. Н.Эшонқулнинг “Хаёл тузоғи” ҳикояси бу борада фикр юритиш учун асос бўла олади.

Ҳикояда фалсафий-руҳий таҳлилнинг ўзгача кўриниши шохиди бўламиз: ахлоқий поқдомонлик – боқий маънавий қадрият ҳаммавақт адолатнинг асосий мезонларидан бири сифатида талқин этилади. Бу – масаланинг бир жиҳати. Иккинчи ва энг муҳим жиҳати шундаки, барча бахтсизлик, хўрликлар ва хорликлар кўнглимизда ўсиб-улғайиб, мутелик туйғулари тарзида ҳосил берар экан, ҳаммасига ўзимиз сабабчи бўламиз. Йўқса, ақл-хуши бутун, истеъдодли Воқиф вос-вос касалига чалиниб, савдойи бўлиб қолармиди?

Н.Эшонқул “Ижод – руҳнинг хурлигидир” мавзуидаги суҳбатда шундай деган эди: “Бугунги ўтиш даври каби ўтқинчи “асар” лар сероб. Шундай бўлса ҳам, бозорбоп ёки бугун бозори чаққон асарларни адабиёт деб баҳолайвермайлик. Адабиёт – миллат руҳининг, миллат маданиятининг бир қисми. У сотилмайди, сотиб олинмайди, ёлғон гапиролмайди. Инсон номини асрлар оша мағрур куйлаб туради. У ҳар қандай жамиятда ҳам инсон руҳининг машъаласи бўла олади. Ижод Оллоҳ таоло инсонга берган энг буюк неъмат. Ижод инсон руҳининг хурлигидир. Шу сабабли унда ёлғон гапириб бўлмайди”¹.

Ёзувчининг бу эстетик концепцияси “Хаёл тузоғи” ҳикоясида ўзининг гўзал бадий тажассумини топган. У ижодкор шахс фожиаси, савдойилликка мубтало бўлган инсон қисматининг ўқинчи ва даҳшатини, истеъдодли аъзосини ҳимоя этолмаган ва, аксинча, одамни жинни бўлишга мажбур этган муҳитнинг касаллик илдизларини очиб кўрсатишга йўналтирилган. Зеро, Иззат Султон таъкидлаганидек, “реализм ҳаётдан нусха кўчириш эмас, ҳаётни фикр “элагидан” ўтказиб, унинг “мағзини чақиб” тасвирлашни талаб этади”².

Инсоннинг иқболи-ю заволи ўз табиати ва шу инсон вояга етган жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари билан боғлиқ.

“Йиртқичдан қочган куён овчи тузоғига тушиб қолганидек, Воқиф ҳам ўзининг омадсизлик, тушкунлик ва умидсизликдан иборат умр бўронларидан қочиб, худди ўзи тасвирлаган шахар ўртасидаги улкан бинодай маҳобатли ва сервахм хаёл тузоғига тушиб қолган эди. Одам ҳаётига маҳбуслигини, бу ҳибсхонадан фақат хаёллар орқалигина учиб чиқиши ва шу йўл билангина кўнгли ва руҳини озод қилиши

¹ Эшонқул Н. Ижод – руҳнинг хурлигидир // Ёзувчи, 1998, 21 январь.

² Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент, 1980. 306-бет.

тузоққа тушиши мумкин”³.

Кўнгил ва руҳ эркинлиги – бу тасаввуфий тасаввур орқали тириклик моҳиятини баҳолаш эмас, у инсониятни маънавий нафс масаласининг рангин қирраларидан бири тариқасида ўйлантириб келаётган муаммо. Инсонга ато этилган тириклик – бу саодатли неъматми ёки руҳий қуллик кўринишларидан бирими? Балки Ҳаёт деб аталган тузоқ Бани Одамни овлаш учун яратилган воситадир? Инсон шунчалар шафоатга ва шунчалар қабоҳатга мойил хилқатми? У шунчалар буюк, шунчалар тубан мўъжизами? Инсон ўзининг дунёга келиш сабаблари-ю бу дунёдан кетиш оқибатларини ўйлаб, ўзини-ўзи адоий тамом қиладими? Агар у Ҳаёт деб аталган Бино билан тириклик деб аталган Нафаснинг қули бўлмаса, Оқибат нима билан тугарди?

Ҳикоя ана шу мулоҳазалар асосига қурилган. Бош қаҳрамон Воқифни ҳалокатга, фожиага олиб келган омиллар шунчалик кўпки, у севги-муҳаббатда ҳам, касб-кор этагини тутишда ҳам бахти бутун эмас. Севгилиси Робия билан оила қуришда қаршиликка дуч келади, тирикчилик бир нави ўтиб туриши учун эса ўртамиёна бир газета таҳририятида ишлашга мажбур бўлади. Қолаверса, унинг иродасининг тизгини ҳам ўз измида эмас, у ихтиёрини муҳитнинг раъйига, тартиб-тузумларига топшириб қўйган шахс.

Иродасининг сустлиги, ихтиёрини қўлдан бой бериши унинг ўз кучига ишончи сустлигидан. Ишонч туйғуси эса маънавий масъулиятдан, ички заруратдан, кўнгил қатъиятидан вужудга келади. Ўз иродаси кучига таяниб, йўлдан тоймаслик инсонни гуноҳга чалинишдан асрайди.

“Бу дунёда номаълум нарсалар шунчалик кўпки, бу номаълумлик ҳар қандай одамни ютиб юбориши ҳеч гап эмас. Энг ёмони – ўзингга-ўзинг номаълум бўлиб қолишинг. Номаълумлик ҳар кеча менинг устимга лашкар тўплаб келади, тузоқ ташлаб кўради. Ўзига ўзи номаълум одам – қиёфаси йўқ одам. Қиёфаси йўқ одам тириклар биносида яшай олмайди. Бу эски, бадбўй бинони қанчалар кезмасин, ўзига қиёфа тополмайди. Қиёфаси йўқ одам эса ўлган одамдир...”⁴. Ҳикоя қаҳрамони Воқифнинг ушбу муҳокама-мулоҳазалари бу ўз иродаси тизгинини бой берган, руҳи сўниқ, кўнгли муте йигитнинг эътирофидир. Зеро, иродаси эркин бўлмаган кимсанинг дили ҳам қул бўлади. У ўз хатти-ҳаракатларига масъул эмас ва у ўз босган қадами эзгуликка ёхуд ёвузликка олиб борадими, буни ҳам тугал идрок этолмайди.

Воқифнинг бандаи мўъмин сифатидаги фожиаси шундаки, ўзидаги ирода салоҳиятини, табиатидаги химмат, олижаноблик, истеъдодини намоён этиш ўрнига, кўпроқ ўз эркини юзага чиқариш йўлларини излаб, мулоҳазага берилади, холос. Ҳикоядаги оқ уй – қамоқхона, болта, қон шунчаки тимсоллар эмас, улар – эрк кушандалари. Воқиф шахсини синдирган, истеъдодини бўғиб, кўнгил эркининг зоҳир бўлишига имкон бермаган ёвузлик кучлари тариқасида намоён бўлади. Одам ботинидаги Эзгулик билан Ёвузлик олишувиде улардан бирининг устунлиги – бу Ирода эркинлигининг парвози ёхуд таназзули демак.

³ Э ш о н к у л Н. Ҳаёл тузоғи // Шарқ юлдузи, 1994, 9-10-сонлар, 152-бет.

⁴ Уша жойда. 153-бет

шундай экан, Воқиф ўз эркини ўзи бои берди, унинг фожиаси ҳам ана шунда. У ўзини ўзи енголмай, зоҳири ва ботинидаги ёвуз кучлар қурбонига айланди.

Синов – бу инсоннинг маънавий эврилиш босқичлари, руҳоний покланиш имкониятлари. Оллоҳ таоло ўн саккиз минг оламни бошқаргани сингари Одамнинг руҳи ҳам вужудини бошқаради. Агар кўнгил қул бўлса, бу руҳнинг акси, руҳ табиатидаги ҳолатнинг муайян бир кўриниши, холос.

“...Воқифдан қолган хотира ёки иккалалари ўртасидаги муҳаббатнинг тимсолигина эмас, балким дўзахдан ҳам юз карра мудҳишроқ ва аянчлироқ бўлган умрдан маъно ва мазмун излаган одамнинг ҳаёт ҳақидаги хулосаси ҳам эканлигини, Робиянинг ўзи эътироф этганидек, бинонинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, бедаракликка юз тутган қалбни фақат Яратгангина муҳокама қилишга қодирлигини ва ҳаммамиз ҳам эртами-кечми барибир шу йўлни танлаяжагимиз ва шу хулосани топажагимизни ёқиб бўлинган ўчоқдек офтобнинг сўлгин нурлари тўкилиб турган, худди одамнинг ўтган кунлари каби, ҳазонлар уюлиб ётган ўша куз оқшоми жуда яхши тушуниб етгандим; алоҳал, ўлим маликаси қувлаб юрган ва елкасида унинг нафасини ҳис этиб бораётган гулу ҳамда алдовга мубтало бўлган қалбнинг йўқлик оламига чекинишини тушуниш унчалик қийин эмас эди... Йўқлик биносини кўра олган Воқифга тириклар орасида ҳам, ўликлар орасида ҳам жой қолмаган экан”⁵.

Воқиф бу дунёдан ўз ўрнини тополмаган, ҳаётини йўлга қўя билмаган экан, у дунёсидан ҳам норози. У дунёсига ҳам боргиси йўк ва у ўзга учинчи дунёга бош олиб кетади, бу – руҳлар дунёси. У ер юзида тирик юрган чоғида ҳам ўзини руҳият бандаси деб биларди ва ёлғиз руҳи билан суҳбатлашар, ёлғиз руҳининг иродасига бўйсунар эди. Руҳ - бу, биринчидан, одам вужудидаги оби ҳаёт. Иккинчидан, Оллоҳ иродаси билан одам кўнглига жойланган ҳаёт қуввати. Учинчидан, бу Оллоҳ таолонинг амри билан боғлиқ билгич дунёси.

Воқиф фожиаси яна шундаки, у Билгич дунёсининг Йўқлик водийсида чалғиб, чўкиб кетган инсон. Бу нарса аксарият ҳолларда Оллоҳ билан ижодкор одамлар ўртасидаги мулоқотда кўнгил билан боғлиқ ҳолда кечади. Хусусан, Оллоҳ билан ижодкор шахс ўртасида кечаётган илоҳий суҳбат чоғида у кўнгил райига муккасидан кетади. Оллоҳ иродасини, негадир, ҳисобга олмай қўяди. Яъни Оллоҳни бир лаҳза бўлса-да, унутади. Воқифнинг Борлиқдан Йўқлик чоҳига йиқилиши учун эса, ана шу сония кифоя қилади. Бу – билгич дунёсида туриб, ўзини-ўзи билмаслик, кўнглига жойланган эркинликларнинг моҳиятини унутишлик оқибати. Ана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Н.Раҳимжонов таъкидлаганидек, “ҳамма гап адибнинг қандай мавзу ва қаҳрамонларни танламасин, фалсафий-психологик таҳлил этиши ва инсоннинг зафари ёки инқирози орқали тириклик фалсафасини, жамият психологиясини, умр ҳикмати бадийий мужассамлаштира олиши, маънавий қадриятларни ҳимоя қилувчи умумбашарий мазмундаги хулосалар чиқара билишида экан”⁶.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Раҳимжонов Н. Бугуннинг қаҳрамони ким? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001,

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги

Э. Бегматов. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир	3
Н. Раҳимжонов. Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида	10
А. Мадалиев Янги лугатлар яратиш – давр тақозоси	16

Адабиётшунослик

Б. Раҳматов. Эртақда формулавий тасвир	22
Э. Очилов. Рубойий жанрининг тарихий тараққиёти	27
Ф. Абдурахмонов. “Кутадғу билиг” танқидий матнини тайёрлаш муаммолари	40
М. Миртожиев. Мантиқий предикатнинг содда гапта ифодаланиши	44
А. Нурмонов, Ш. Искандарова, Д. Набиева. Анъанавий ва структур тилшунослик муносабатлари масаласи	47

Илмий ахборот

М. Олимов. Қаҳрамонлик пафоси	52
М. Асадов. “Соқийнома” жанри ҳақида	54
Ҳ. Ҳамидов. Қорақалпоқ адабиётининг ёрқин сиймоси	57
К. Боймухамедова. Вариантлик муаммоси ва “Кунтуғмиш” достони	60
Т. Матёқубова. Образли тафаккур ва поэтик ифода	64
О. Исмонова. Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорига ёр-ёр жанрининг ижро ўрни	68
С. Матёқубова. Бадиий психологизм қирралари	72
Г. Саидганиева. Усмон Азим ижодида шеърый бандлар	75
М. Ҳакимов, В. Жаборов. Поэтик нутқда товушларнинг хосланишига доир	77
М. Сулаймонов. Дастхат эпистоляр жанрнинг бир тури сифатида	85
Г.Тожиева. Воситали тўлдирувчи объектли бирикма қолипидаги фразеологизмларда объект валентлиги	88
А. Шофқоров. Миртемир шеъриятида аллитерация	91
Ш. Авезметова. “Лугати Навоий” да омонимларнинг берилиши	94

Мерос

Олтин ёруқ	95
------------------	----

Илмий ҳаёт

Ҳотира - анжуман	103
Ётуқ тилшуносинг 70 йиллиги	103